
ПҚ-1-сон қарорининг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилиб ўтилди.

Фарғона вилояти ИИБ, Жамоат хавфсизлиги хизмати ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари, туман ИИБ бошлиғи ҳамда туман прокурори ўринбосари маҳалла раислари бошчилигидаги маҳалла еттилиги билан учрашди.

Учрашув бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон қарорининг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилиб ўтилди.

Маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва ишсизлар томонидан, шунингдек, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва маҳалла фаолларини кенг жалб этиб бориш бўйича тавсиялар бериб ўтилди.

2025-01-29 16:49:55